



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

• 2014-yil, 2-avgust. Shanba • 92 (31.839)

İjtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2014 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,12 баравар оширилсин.

2. 2014 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда энг кам: иш ҳақи — ойига 107 635 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 210 525 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 210 525 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 129 180 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2014 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотла-

ри ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2014 йилнинг 1 сентябрдан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувofiқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 декабрдаги ПФ-4582-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2014 йилнинг 1 сентябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларида ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юксалинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 31 июль

Мустақилликнинг мустақкам иншоотлари



Жиззах МИЗ: тараққиёт ва фаровонлик сари муҳим қадам

► Давоми 3-бетда.

ЎзХДП гуруҳи сессияга масала киритди

Болалар спорти ривожини —

доимий эътибор талаб этадиган масала

Сиз ота-она сифатида фарзандингиз мактабда қайси спорт тури билан шуғулланиши, у ерда яратилган шарт-шароитлар қандай экани билан қизиқасизми? Жисмоний тарбия дарсларида ўтилайётган машғулотлар сифати сизни қониқтирадими? **2**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловли дастурида қишлоқ ҳудудларидаги таълим муассасалари шарт-шароитларини янада яхшилаш, машғулотлар сифатини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

ЎзХДП: «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ

Сайловчи ишончини қозониш амалий ишларимизга боғлиқ

ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

Сиёсий партиянинг жамиятдаги нуфузи ва роли унинг аҳоли манфаатларини қай даражада ҳимоя қилаётгани, жойлардаги муаммоларнинг ечимини юзасидан қандай ташаббуслар билан чиқариётганига қараб белгиланади.

Шу маънода Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, улар жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу масала ҳусусида сўз кетганда, аввало, бошланғич партия ташкилотларининг ўрнини алоҳида таъкидлаш керак, деб ўйлайман. Чунки улар аҳоли билан доимий ало-

қада, уларнинг фикр-мулоҳазалари, ташвишларидан хабардор бўлади. Шу боис кўйи бугинда салоҳиятли, изланувчан, сиёсий-ҳуқуқий билими юқори етакчилар сафини кўпайтириш, уларнинг тажрибасини мунтазам ошириб бориш лозим.

Бу йўналишдаги яна бир муҳим жиҳат партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган амалий Харақат дастури ижроси ҳисобланади. Барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари

маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари дастурда кўзда тутилган вазифаларни тўлақонли бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳусусан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан 2, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан эса 13 масала сессияларда қўрилди. Жорий йилда маакур сессия қарорлари ижроси партия гуруҳлари томонидан доимий равишда назорат қилиб борилмоқда. **2**

Электр қувватини экспорт қилиш режалари хавф остида

(«The Economist» журнали, 26 июль, 2014 й.)

Афғонистондаги уруш, коррупция, минтақавий рақобат яқин вақтгача АҚШ томонидан илгари сурилайётган 1,2 миллиард долларлик лойиҳага асосий тўсиқ бўлаётган эди. Бу лойиҳа орқивча электр қувватини Марказий Осиёдан Афғонистон ва Покистонга экспорт қилишни кўзда тутди. Лекин бугун яна бир тўсиқ пайдо бўлди: умуман бу орқивча электр қувватининг ўзи бормикан?

Саккиз йил аввал эълон қилинган бу гоя оддий эди. Афғонистон ва Покистон электр қувватига ниҳоятда муҳтож бўлган ёз пайтида Тожикистон ва Қирғизистон гидроэнергетик сув омборларига келаётган сув уларни қабул қилиш ҳажмидан кўплик қилади. Гоянинг мазмунини бу орқивча сувдан электр қувватини ишлашда фойдаланиш ва уни электр узатиш тармоқлари бўйича

Жанубга, яъни унга муҳтожлик жуда катта бўлган томонга жўнатишдан иборат эди. Киш пайтида дарёлар музлаганда икки собиқ совет республикаси электр қувватининг катта тақчиллигига учраган пайтда барча ишлаб чиқарилган электр қувватини ички эҳтиёжлар учун қолдириш кўзда тутилган эди.

► Давоми 3-бетда.

«Ўзбекистон Овози»
газетаси сайтыда ўқинг

Инсон дунёга
бир марта
келади

Ўз кадр-қимматини билиб,
муносиб яшаш муқаддас
бурчдир



www.uzbekistonovozi.uz

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК

Йўл хўжалиги бошқармасига қарашли

203-тажриба йўл машина станцияси ишчи ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига улкан ҳисса қўшувчи мазкур лойиҳа доирасида бугунгача салкам 60 километр янги темир йўл қуриб битказилди. Тоғлар ва даралараро ишлар қизғин давом этмоқда.

Суратда: корхона ишчиси Шохруҳ Ёқубов



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган сурат.

ЎзХДП Марказий Кенгаши билан Тошкент шаҳар кенгаши депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича давра суҳбати ўтказди.

Унда билдирилган фикр-мулоҳазалар билан газетамизнинг келуси сонларидан бирида танишасиз.





Уса олган сурат.

Болалар спорти ривожини

доимий эътибор талаб этадиган масала

Сессияда дастлаб туман маданият ва спорт ишлари бўлими раҳбари Э. Мухторов ҳамда бошқа масъул идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Таъкидландики, машғулотлар умумий ўрта таълим муассасалари спорт зали ва майдончалари ҳамда спорт турларига ихтисослаштирилган жамуларда олиб борилади.

Халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабда 324 нафар бола ўз маҳоратини ошироқда. Ҳисоботлар эшитилгач, халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ҳамда Ёшлар сиёсати ва соғлом авлодни тарбиялаш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама этилди. Сессияда халқ депутатлари

ЎзХДП: «Фаол аёллар» қаноти



Санжар ШОТЎЛТАНОВ олган сурат.

Жамият тараққиёти

аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига боғлиқ

Гулшан АСАДОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори муdiri:

— Юртбошимизнинг «Аёлларнинг жамиятдаги макъа ва ролини кўтариш давлатчилигининг устувор ва асосий йўналишларидан бири» деган давлатнинг ўзи юртимизда аёлларга ғамхўрликнинг юксак ифодасидир.

Мамлакатимизда хотин-қизлар учун яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар уларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Партиямизнинг «Фаол аёллар» қаноти ҳам хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сураётми. Мисол учун, «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси доирасида худудлардаги мавжуд корхона ва ташкилотларнинг касаначилик меҳнатини ташкил этишдаги имконият ва эҳтиёжи ўрганилиб, маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашилди.

«Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» лойиҳаси доирасида республикамиз бўйича 300 дан ортиқ амалий тадбир ташкил этилиб, маҳаллий ва худудий партия кенгашлари депутатларини жалб қилган ҳолда хотин-қизлар, оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ўрганиш асосидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилди. Эътиборли жиҳати шундаки, лойиҳа доирасида жойларда хотин-қизларга оид муаммолар партия гуруҳлари билан биргаликда ўрганилиб, уларнинг ечими юзасидан тегишли ташкилотларга 31 та депутатлик сўрови юборилди, 16 та масала депутатлик гуруҳлари, 7 та масала доимий комиссия ва 5 та масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гулнора МАЪРУФОВА, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари:

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаваар этиб турадиган аёл зотига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни биргина Ватанимизнинг энг олий ва шарафли мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига 13 нафар аёл муассар бўлганидан ҳам кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, опа-сингилларимиз ана

шундай юксак мукофотларга муносиб меҳнат қилишмоқда. Айрим мисолларга эътибор қаратайлик. Мустақиллик йилларида хотин-қизларимиз томонидан 478 та докторлик, 4 мингга яқин номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 7 нафар академик аёл турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги Фармони асосида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва унинг соҳиббалари, уларнинг бугунги кунда эришадиган ютуқлари алоҳида эътирофга лойиқ. Дарҳақиқат, бугунги кунда 196 нафар истеъдодли қиз аъло ҳулиқ, зукӯлиги, ўқишдаги муваффақиятлари, адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларидаги ютуқлари учун ана шу юксак мукофот билан тақдирланди.

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, минг йиллар давомида ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оилада, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб туради. Бу юксак ишонччи оқлаш биз, аёлларнинг асосий вазифамиз ва бурчимиз бўлиб қолади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Комила Каримова, Ҳафиза Каримова ва Зиведдин Мансуровлар хотин-қизларнинг ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий асослари, қонуларимиз мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Мустақиллик йилларида имзоланган 200 дан ортиқ конвенция ва битимларнинг аксарияти хотин-қизлар, болалар, ёшлар манфаатига қаратилганини алоҳида таъкидлашди. Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори Жаннат Исмоилова тарихда номи қолган ўзбек аёллари ҳақида гапирди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, партиямизнинг Тошкент шаҳар ва унинг таркибидagi туман кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари, «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари иштирок этди.

Басандобно ЖАЛИЛОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП гуруҳи сессияга масала киритди

Тўғриси, бу каби саволлар кўпчилик ота-оналарни унчалик қизиқтирмаслиги мумкин. Халқ депутатлари Жиззах вилояти Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи эса бу муҳим масалани ўрганиб чиқди.

Чунки партия гуруҳининг «Соғлом бола йили» учун мўлжалланган иш режасига тумандаги мактабларда спорт моддий-техник базаси, жисмоний тарбия дарсларининг аҳолини ўрганиш масаласи киритилган эди.

Партия гуруҳи туман халқ таълими бўлими тизимидаги муассасаларда спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитлар қай даражадалигини ўрганиб, таҳлил қилди. Туманда бу борада иратилиш ишлар оз эмаслиги эътибор этилди. Аммо айрим мактабларда машғулотлар сифати талабга жавоб бермаслиги, мутахассис кадрлар етишмаслиги, болаларни оммавий спортга жалб қилиш бўйича камчиликларга йўл

кўйилаётгани маълум бўлди. Партия гуруҳи йиғилиши ва доимий комиссия мажлисида депутатлар камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ тақлифлар билдирди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида кўзда тутилган қатор масалалар кўп жиҳатдан таълим тизимида жисмоний тарбия ва спорт ишлари қандай йўлга қўйилганлигига боғлиқ, — дейди халқ депутатлари Янгиобод туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Сулаймонкул Хидиров. — Бугунги кунда туман халқ таълими бўлимига қарашли умумтаълим мактабининг 12 тасида спорт заллари мавжуд. Битта мактабда бадий гимнастика, олимпикасида эса жисмоний тарбия ва спорт тўғрақларининг фаолият кўрсатиши учун шаро-

ит яратилган. Бундан ташқари, 16 футбол, 17 волейбол, 11 баскетбол, 17 кўл тўпи майдончалари ташкил этилган.

Бироқ 6 та умумтаълим мактабда спорт заллари мавжуд эмас. Бу эса жисмоний тарбия машғулотларининг сифатли

Сессияда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ва бошқа депутатлар, мутахассислар таҳлиллари асосида камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни янада жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

ўтилишига салбий таъсир кўрсатади. Тумандаги мавжуд 18 та мактабда 15 нафар спорт мураббий бор. Бундан ташқари, ёш, иқтидорли спортчиларни етиштиришда ҳам баъзи муаммолар аниқланди.

Масалани халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига киритишдан олдин ота-оналар, жамоатчилик фикри ҳам ўрганилди.

лари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари ва бошқа депутатлар, мутахассислар таҳлиллари асосида камчиликларни бартараф этиш ҳамда бу борадаги ишларни янада жонлантиришга қаратилган қарор қабул қилинди.

Унда халқ таълими тизимидаги муассасаларда ўтिलाёт-

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: тажриба ва таҳлил

Сайловчи ишончини қозониш амалий ишларимизга боғлиқ

2014 йилнинг ўтган даври мобайнида эса халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 15 дан ортиқ масала таҳлилий ўрганилди. Шундан 15 таси тегишли доимий комиссиялар мажлисларида, 2 таси халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида муҳокама этилган.

Партия гуруҳлари томонидан ўрганилаётган ҳар бир масала худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф этиш, кам даромадли, ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш, иш ўринларини ташкил этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Партия ташкилотлари ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирда ёшлар бандлиги билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилмоқда. Мисол учун, Музабот туман ҳамда Термиз шаҳар партия кенгашлари томонидан ўтказилган форумларда касб-ҳунар коллежларининг кўплаб битирувчилари ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этди. Бизнес лойиҳалари истиқболли деб топилган битирувчиларга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг устувор йўналишлари ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги гуруҳлари режа асосида иш олиб бормоқда. Чекка худудларда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болаларни спортга жалб этиш масалаларида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни амалий ишлар билан белгиланади. Бугунги одамлар кечган одамлар эмас. Баландпарвоз гаплар билан ишонч қозониб бўлмайдми. Бошқача айтганда, сайловчилар ишончини қозониш, уларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал қилиш, электрлот манфаатларини таъминлаш йўлида аниқ натижага эришишга боғлиқ.

Мухаббат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Жаҳон мамлакатлари сиёсий партиялари ва парламентлари

Шимолий Европада жойлашган Финляндия Республикасида дастлабки сиёсий партиялар XVII асрнинг охирида шаклланди. Бугунги кунда эса мамлакатда кўппартиявийлик тизими амал қилиб, 15 га яқин сиёсий партия фаолият кўрсатади. Эдускунте, яъни Финляндия парламенти 1905 йилда ташкил топган. У бир палатали бўлиб, 200 нафар депутатдан иборат.

Финляндия: Аҳоли сайловларда фаол иштирок этади

чунки унинг натижаси мамлакатнинг эртанги кун қандай бўлишини ҳал қилади

Финляндия парламенти давлат кенгашини тузиш, мамлакат бюджетини қабул қилиш ҳамда ташқи сиёсатни олиб боришда муҳим роль ўйнайди. Депутатлар эса шахсан ўзи ёки партия номидан қонунчилик ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқига эга.

Финляндия парламенти сўнги сайловлар 2011 йилда ўтказилган эди. Унга кўра, олтинчи сиёсий партия парламентда депутатлик ўринларига эга бўлди. Ушбу мамлакатда яққол етакчи партияни ажратиб кўрсатиш қийин. Шу боис кўпинча партиялар парламентда коалиция тузишга мажбур бўлишади.

Мамлакат қонунчилигида сиёсий партиялар фаолияти учун кенг имконият берилган. Сиёсий партия сифатида рўйхатдан ўтиш учун тегишли устав, кафолатланган ташкилий тузилма ҳамда фуқароларнинг беш миңг овози йиғилиши кифоя қилади. Агар бирон-бир сиёсий партия кетма-кет иккита сайловда парламентда бирорта ўринга

эга бўлмаса, у ҳолда қайта рўйхатдан ўтиши зарур. Яна бир қизиқ ҳолат шундаки, 2012 йил 29 мартда Финляндия қонунчилигига киритилган ўзгаришга кўра, мамлакатда яшаётган хорижийлар ҳам партия тузиш ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатдаги етакчи сиёсий кучлардан бири Финляндия Социал-демократик партиясидир. У 1899 йилда ташкил этилган бўлиб, бой тарихга эга. Мамлакат ривожланиши ҳамда бугунги тараққиётга эришишида партиянинг катта ҳиссаси бор. Парламентга бўлган сўнги сайловда мазкур партия 42 депутатлик мандатини қўлга кайтди, иккинчи натижани кайт этди.

Социал-демократларга 2008-2014 йилларда етакчилик қилган Ютта Урпилайнен партия тарихидаги биринчи аёл раҳбар эди. Унинг фаолияти давомида партия ҳаётида катта ўзгаришлар юз бермади. Партиянинг 2014 йил 9 майда ўтказилган нав-



батдаги съезидида Антти Ринне янги етакчи этиб сайланди. Кўплаб сиёсий таҳлилчилар бу партия фаолиятида янги даврнинг бошланиши, дея эътироф этишмоқда. Антти Ринненнинг айтишича, партия унинг етакчилигида иқтисодий ислохотлар ҳамда бандлик масаласига жиддий эътибор қаратади.

Финляндия коалицион партияси эса парламентда 44 ўринни, яъни энг кўп жойни қўлга киритди. Бу партия асосан консерватизм ғоялари учун курашади. Ушбу партияга 2014 йил июнидан бошлаб Александр Стубб етакчилик қилмоқда. Ҳозирда партиянинг 41 миң нафардан ортиқ аъзоси мавжуд.

Сўнги сайловда энг кўп депутатлик ўринни қўлга киритган сиёсий кучлардан яна бири — Ҳақиқий финлар партиясидир. Парламентда 39 ўринга эга бўлган бу партия 1995 йилда ташкил этилган. У асосан миллий манфаатлар, кадриятлар учун кураш олиб боради.

Финляндия сиёсий майдонда мазкур партия асосан меҳнатқашлар манфаати, ижтимоий тенглик таъминлиги учун курашади. Сайловда кампанияси даврида барча инсонлар учун тенг ҳаёт даражасини таъминлаш, турмуш шароитларини янада ях-

Нурали ПИРИМҚУЛОВ

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Мустақилликнинг мустақам иншоотлари

Хаётда шундай воқеалар бўладики, уларнинг аҳамияти, моҳияти вақт ўтиши билан тобора ёрқинроқ, теранроқ намоён бўлаверади. Президентимизнинг фармони билан қурилиши бошланган «Жиззах» махсус индустриал зонаси том маънода вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш сари қўйилган муҳим қадам бўлди.

— Фармонга мувофиқ «Жиззах» махсус индустриал зонаси Жиззах шаҳрининг sanoat худудига 364 гектар ҳамда унинг филиали сифатида қўшни Сирдарё вилоятида 108 гектар майдонни ўз ичига олган, — дейди Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Жиззах вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Алишер Қодиров.

— Мамлакатимизда яратилган қўлай инвестицион муҳит, махсус индустриал зона иштирокчилари учун берилётган кенг қамровли имтиёз ва афзалликлар биринчи гада хорижлик сармоядорларни қизиқтириши табиий. Буни ўтган йилнинг 2-4 июль кунлари мамлакатимиз пойтахтида «Жиззах» махсус индустриал зона — хитойлик компаниялар учун қўлай инвестицион имконият мавзусида ўтказилган бизнес-форум ҳамда 27-29 ноябрь кунлари ўтказилган яна бир анжуман натижаларидан ҳам билиш мумкин. Уларда энгил sanoat, автомобиль sanoati, электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда янги, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилган бир қатор келишув битимлари имзоланди. Айни кунларда ушбу лойиҳаларнинг рўёби юзасидан амалий ишларга киришилган ва булар яқин йиллар ичида вилоятнинг sanoati тез суриятлар билан ўсиб, иқтисодий салоҳияти юксалишида намоён бўлди.

Бугунгача махсус индустриал зона таркибига кирувчи корхоналардан биттаси ишга туширилди. Яна битта лойиҳа бўйича ишлар охираб қолди. Импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётган корхона-

да 100 та иш ўрни яратилди. — Жорий йил охирига қадар инвесторларимизнинг саъй-ҳаракатлари ва бизнинг қўмагимиз билан умумий қиймати 37 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 10 та истиқболли лойиҳанинг 2 тасида ишлар якунига етди, — дейди «Жиззах» махсус индустриал зона дирекцияси давлат унитар корхонаси директори Алижон АБДУЛЛАЕВ. — Натижада яна 120 та қўшимча иш ўрни пайдо бўлади. Демак, шаҳримиз ёшларидан шунчаки яхши даромадли барқарор иш билан таъминланади.

Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 1 июлдаги «2013-2015 йилларда «Жиззах» махсус индустриал зонасининг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ри-

вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори босқичма-босқич амалга оширилди. Мазкур қарор доирасида 2013-2015 йилларда 29,5 миллион АҚШ доллар миқдоридagi капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилган. 4 километр худуднинг 12 га хитойлик мулкдорлари ички автомобиль йўллари реконструкция қилинди, бир километр узунликда янги йўл қурилди. Шу билан бирга, МИЗ худудидagi корхоналар тасарруфидagi ички темир йўл шохобчалари мукамал таъ-

Жиззах МИЗ: тараққиёт ва фаровонлик сари муҳим қадам

мирдан чиқарилди, 50 метрлик масофада янги рельслар ётқизилди. Ичимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида 3 километр узунликда янги сув қувурлари ўрнатиш, 2 та артезиан қудуқлари қазих ва 1 тасини қайта таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган. МИЗ худудидан ўтувчи «Қўрғонтепа» каналини тозалаш ҳамда таъмирлаш якунланган. Янги корхоналарда электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш учун «Саноат-1» нимстанциясида мукамал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Яқинда Хитойда чоп этилган нуфузли «Жэньминг Жибао» газетасида «Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар чуқурлашмоқда» сарлавхали мақола эълон қилинди. Мақолада қайд этилишича, Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли имтиёзлар, афзаллик ва қафолатлар тизими яра-



фармацевтика каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Хитойдаги марказий нашрлардан бирининг бундай эътирофи ҳаммага, ҳар доим ҳам айтилавермаслиги ҳақида ўйлайдиган бўлсак, МИЗнинг аҳамияти, худудни ривожлантиришдаги ўрнини янада равшанроқ англагандай бўлаемиз.

Бундан бор-йўғи икки-уч йил олдин бу худуд кимсасиз ва файзсиз эди. «Жиззах» МИЗ худудига бугун борган кишини кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг гувоҳига айланади. Махсус индустриал зона билан боғлиқ ишлар узоқни кўзлаб қилинмоқда. Бу ишлар ниҳоясига етган вилоятнинг саноат салоҳияти сезиларли даражада ошади, иқтисодий-да кескин ижобий ўзгаришлар кузатилади. Қўллаб янги иш ўринлари яратилади. Бу, ўз навбатида, одамларнинг ҳаёт тарзи, турмушидаги ўзгаришларда ўз ифодасини топади.

Шу кунларда вилоят маркази — Жиззах шаҳрида бўлаётган янгилик ва янгилинишлар, қурилишлари ободончилик ишлари унинг эртаси янада обод ва файзли бўлишидан далолат берапти. Шаҳар чинакам кўркам қиёфа касб этмоқда. Марказий кўчалар кенгайтирилиб, замонавий иншоотлар ва шунинг билан бирга бинолари қад ростлапти. «Кўк бозор», «Эски шаҳар буюм ва деҳқон», «Кимёгар» эҳтиёт қисмлар бозорлари бутунлай янгила, замонавий шаҳарсозлик кўринишига эга бўлаётди. Айни пайтда Алишер Навоий кўчаси бўйлаб беш ярим гектарга яқин майдонни эгаллаган замонавий спорт мажмуаси қуриляпти. Жаҳон андозаларига мос мазкур мажмуа худудидан ўн минг ўринли стадион, бассейн, теннис корти, бошқа ёрдамчи бинолар жой олади. Мажмуа атрофида каштан, эман, япон сафораси каби худуднинг табиий-иқлим шароитига мос манзарали дарактлар экилган замонавий хиёбон ва аҳолига хизмат кўрсатиш объектлари,

гулзорлар, фавворалар барпо этилади.

— Вилоятимизда бўлаётган бундай эзгу ишлар, қўвончи ўзгаришлар, барчамизни ғурурлантирмоқда, — дейди ЎзХДП фаоли, меҳнат фахрийси Маматкул ИНОМОВ. — Эртанги кунга ишончимизни оширмоқда, олижаноб мақсадлар билан ёниб яшашга ишонмоқда. Бир ҳақиқат ҳаммага беш қўлдек аён. Бугунги Жиззах кечаги Жиззах эмас. Кеча каттароқ бир йўл ёки бино қуриш учун қанчалаб олиб-югуришга, кимларгадир ялиниб-ёлворушга тўғри келар эди. Бугун ҳуқуқ ўзимизда, маблағ ўзимизда, қарорни ҳам ўзимиз чиқарамиз. Буларнинг барчаси Мустақиллик берган имкониятлар, албатта...

Партияимиз фаолининг бу фикрлари бутун вилоят ахлининг дил сўзлари ифодаси десанг, ҳеч ҳам муболага бўлмайд.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



Телевизорга «МИХЛАНИ» ҚОЛИШ умрнинг заволи

Испаниянинг Памплон шаҳридаги Наварра университети олимлари университетни бир вақтлар битириб кетган, ўртача 37 ёшдаги (уларнинг 60 фоизи аёллар) 13 минг 284 нафар собик талабалари ҳаётини 8 йил давомида кузатиб, ҳар томонлама тадқиқ қилиб, шундай хулосага келдиларки, компьютерда ўтириш ёки автомобилда кўп юришдан кўра, телевизор қаршида кунга уч соатдан ортиқ ўтириш ўлим ҳафини тезлаштираркан.



Олимлар ўз хулосаларини «Journal of the American Heart Association» тиббий журналида чоп этди.

Кузатув давомида ҳаракатсиз турмуш тарзининг уч турга эътибор қаратилди. Яъни телевизор қаршида ўтириш, компьютерда узоқ ишлаш ва доим автомобилда юриш инсон ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши ўрганилди.

Тадқиқот иштирокчиларининг 97 нафари кузатув давомида ҳаётдан кўз юмган. Уларнинг 19 нафари юрак-қон томир хасталиги, 46 нафари саратон, 32 нафари турли хасталиклар сабабли вафот этган. Бу вазиятни янада чуқурроқ таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, уларнинг аксарияти телевизор қаршида кунга уч соатдан ортиқ ўтиришган. Кунга икки соат телевизор қаршида ўтириш бугунги кунда меърийдир ҳолдир. Компьютер қаршида ёки автомобилда узоқ ўтириш инсон ҳаётига телевизорчали зарар етказса олмас экан.

Тадқиқот етакчиси Мигель Мартинес-Гонсалеснинг айтишича, телевизор қаршида узоқ вақт қолиш ривожланган мамлакатлар аҳолиси орасида жуда оммавийлашган. Мазкур мамлакатлар аҳолиси тобора кексаиб бораётгани эса кундек равшан.

Электр қувватини экспорт қилиш режалари хавф остида

(«The Economist» журнали, 26 июль, 2014 й.)

Вазият

Бироқ ўтган йиллар давомида, Фарб давлатларининг ҳуқуқматлари 1200 (750 миля) километр узунликдаги ЛЭП (электр қувватини узатиш тармоқлари) қурилиши лойиҳасини муҳокама қилишгаётган жараёнда, (бу лойиҳа CASA-1000 сифатида маълум) Тожикистон ва Қирғизистонда электр қуввати тақчиллиги кучайди. Буни шундан ҳам кўрса бўладики, бу йилги ёзда қишқи мавсумга сувни сақлаб қолиш учун Қирғизистон амалда электр қувватини Тожикистондан олмақда.

Электр қувватининг тақчиллиги кўп жиҳатдан совет давридаги самарасиз инфратузилма оқибати ва давлат энергетик монополияларини ислох қилишни эълол олмаганлигининг натижасидир. ЛЭП қурилиши тарафдорлари бу қурилиш муаммоларни ҳал этиш учун зарур даромаднинг келтирилади, деб даъво қилишмоқда. Бунда улар Покистон Марказий Осиёдаги электр қувватига мавжуд тарифларга нисбатан уч баробар кўп пул тўлашга тайёр эканлигини ҳисобга олишмоқда. Қурилиши бошлаш учун зарур молиявий ресурслар ҳам мавжуд: Жаҳон банки грант ва кредитлар кўринишида 530 миллион доллар беришни ваъда қилди, АҚШ давлат департаменти эса яна 15 миллион доллар беришга тайёр. Лойиҳани амалга оширишга жалб

қисқартиримокда. Жорий йилнинг июнь ойида америкаликлар Қирғизистон пойтахти Бишкек яқинидаги авиабазани тарк этишди. Ўз навбатида, Хитой энергетик контрактларни «ўз томонига тортмоқда», Россия эса Марказий Осиёнинг баъзи давлатларини янги сиёсий-иқтисодий иттифоққа жалб этишга ҳаракат қилмоқда.

Бу электр энергияси лойиҳаси ҳатто ундан фойда кўриши мумкин бўлганлар орасида ҳам келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда. Тожикистон ва Қирғизистон улкан тўғонлар қуришга интилаётган ва Жанубга экспорт қилиш учун электр қувватини ишлаб чиқиш улар гоёсига ички легитимлик бермоқда. Бироқ бу минтақа асосий дарёларининг қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистон томонидан кескин қаршиликни келтириб чиқармоқда. Чунки Ўзбекистон сув таъминоти даражаси кескин камайиши ва сув ресурсларини йўқотишдан хавотирга тушмоқда. Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ҳаттоки бундай тўғонларни қуриш харбий низоларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳам қайд этди.

Тожиқ амалдорларининг фикрича, янги электр узатиш тармоғини барпо этиш уларнинг орузи — дунёда энг баланд бўлган Роғун тўғонини қурилиши билан ажратиб бўлмайд. «Роғун ГЭСи ёрдамда биз нафақат ўзимизни, балки Афғонистон ва Покистонни ҳам электр қуввати билан таъминлашимиз мумкин. Араблар нефть со-

таётганидек биз электр қувватини сотамиз», дейди Тожикистондаги энг йирик ГЭС директорининг ўринбосари Давлатбек Салолов. Шунга қарамай бу Тожикистондаги барқарор бўлмаган режим электр қувватини даромадларини кузатиб боришнинг имкони бўлмаган алюмин заводи каби хусусий лойиҳаларга йўналтирилишига қарши туриш қобилиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Қарзларга ботган Қирғизистон ЛЭП лойиҳасига бепарволик билан қарамоқда. Расмий қишлар айтишича, электр қувватига бўлган ички тақчилликни ва Қирғизистоннинг лойиҳада 200 миллион доллар миқдоридagi улуши борлиги айтилиб, улар бу лойиҳада иштирок этишга мажбур қилинган. Ҳуқуқат доираларида ташқарида лойиҳага қарши тўғридан-тўғри муҳолифат кўзга ташланади. ЮНИСОН эксперти, Бишкекдаги энергетика мониторинг маркази вакили Нурзат Абдирасуловнинг айтишича, бу лойиҳа даромад келтирмайд. Аксинча, Тожикистон билан келишмовчиликлар келтириб чиқаради, чунки Қирғизистондан электр қуввати унинг худуди орқали узатилиши керак бўлади. Бу икки мамлакат умумий чегарасининг деярли ярми бўйича келишмовчиликлар шунчалки кескинлашдики, жорий йилнинг ўзига ўқотар қуроллардан фойдаланилган ҳолда икки марта тўқнашув бўлиб ўтди. Бу ҳол мулоқотни йўлга қўйиш учун аъло муҳит яратишига шубҳа уйғотади.

ҳужжатларида ўрнатиш тартиб-да расмийлаштирилган ишончнома;

— аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига зақалат ўтказилганининг тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аукционда иштирок этиш истиғидаги талабдорлар томонидан аукционга қўйилаётган «КО'КША ТЕКСТИЛ» МЧЖдаги улушлар бошланғич нархларининг 2 фоизи миқдорида, «РОУТЕКС» МЧЖдаги улуш бошланғич нархнинг 10 фоизи миқдорида зақалат пуллари «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: 2028000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабдорлардан бюртманомаларни қабул қилиш расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва аукцион ўтказиш бошланганида камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу банк улушлари сотилаётган корхоналар билан уларнинг юқоридида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишиш мумкин.

Очиқ аукцион белгиланган кунлари соат 11:00да бошланади ва Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали) манзилида бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: Сотувчи (Банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 101-уй; телефон (8-371) 234-11-22, 234-15-60; телефакс: (8-371) 234-43-31.

Аукцион ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона; тел: (8-371) 233-02-49; телефакс: (8-371) 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru

Гувоҳнома № 005357

РЕКЛАМА

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2014 йил 9, 11 ва 16,18 сентябрь кунлари бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукционга таклиф этади

Очиқ аукционга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темуру шох кўчаси, 101-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг қуйидаги ҳужалик жамиятлари устав фондидagi 100 фоиз банк улушлари қўйилмоқда:

Table with 5 columns: T/p, Object name, Location, Auction start price, and Auction end price. It lists two auction items: one for 'KOKSHA TEXTILE' and another for 'ROUTEKS'.

Очиқ аукцион шартлари:

Аукцион қолиби улуш сотилиш баҳосининг 15 фоизи миқдоридан кам бўлмаган маблағни аукцион ўтказилганидан сўнг бунак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотида шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб-рақамига тўлаши шарт.

Аукционда сотилаётган объектлар бўйича сотиб олиш учун тўловлар бир йўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдиғига фойзалар ҳисобланмасдан бўлиб-бўлиб, шунингдек, сотиб олиш учун тўловлар тўлиқ тўлангунга қадар объектни ўзгага бериш ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз (сотувчи — «Ўзмилийбанк» бундан мустасно) тўланади.

Сотиб олиш учун тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш муддати 1 (бир) йилдан ошмаслиги лозим.

Объект фаолиятини тиклаш мақсадида киритилган маблағлар харидор томонидан белгиланган муддатларда тўлаб берилиши шартли билан сотилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, га-

Маърифатли миллат фарзандлари

илм-фанда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликлари ва кам бўлмасликларини намоён этмоқда

XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри

Куни кеча мамлакатимиз ёшларининг яна бир катта ютуғи тўғрисида хушхабар келди. 21-26 июль кунлари Жанубий Кореянинг Теджон шаҳрида математика бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро мусобақада ўзбекистонлик ёш математиклар жамоавий баҳсларда Япония, Хитой, Канада, Нидерландия, Ҳиндистон, Малайзия, Сингапур, Австралия каби жаҳоннинг 31 мамлакати вакиллари орасида иккинчи ўринни эгаллашди.



Бу йил ҳам мамлакатимиз ёшлари учун қувончли келди. Май ойида Москвада ўтказилган Кимё бўйича 48-Халқаро Менделеев олимпиадасида умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллаган иқтидорли ўқувчиларимиз эстафетасини Жанубий Кореяда ёш математиклари-

лиф этди. Шундан сўнг Халқ таълими вазирлиги томонидан «Билимлар беллашуви» мусобақасининг вилоят босқичи қолиблари ўртасида икки турдан иборат махсус танлов ўтказилди ва улар орасидан ўн тўрт ёшдан юқори бўлган энг иқтидорли ўқувчилар сараланиб олинди.

Шунингдек, яққалик беллашувларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган Жасурбек Имомов кумуш медални кўлга киритган бўлса, Юлдуз Нейматова ҳамда Даврбек Олтибоевга мисолларни сифатли ва ўзига хос усулда бажаргани учун ҳакамлар хайъати томонидан махсус сертификатлар топширилди.

гани, дунё илм-фани тараққиётини бошлаб берган не-не алломалар авлоди эканини исботлаш ҳуқуқи, имконини берди.

Фақат 1995 йилдан халқаро фан олимпиада-

Фақат Истиқлол туфайли халқимизнинг истеъдодли фарзандлари, ёш иқтидор эгалари жаҳон минбарларида ўз сўзини айтиб билади.

1690 йили Гданскда машҳур поляк астрономи Ян Гевелийнинг «Юлдузлар осмонининг атласи» чоп этилади. Унга дунёнинг барча даврлардаги энг буюк беш нафар математиги, жумладан, Мирзо Улуғбек сурати ҳамда ўша даҳларга тегишли ҳикматли сўз битилган гравюра илова қилинади. Улуғ ватандошимиз сиймоси акс этган тасвир юқорисига унинг куйидаги ибораси ёзиб қўйилган: «Ўз ишимни муносиб авлодларимга қолдирдим»...

Мустақиллик маърифатли миллат ёшларининг руҳини кўтарди. Уларга, энг аввало, томирларида қандай буюк аждодлар қони оқаёт-

лари ва мусобақаларида иштирок эта бошлаган ўзбекистонлик ўқувчилар 1995-2013 йиллар давомида кимё, биология, физика, математика, информатика ва хоржий тил фанларидан ўтказилган нуфузли халқаро танловларда жами 180 — 24 олтин, 56 кумуш ҳамда 100 бронза медалини кўлга киритиб, озоод ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмасликлари, кам бўлмасликларини намоён этишди.

миз давом эттирди.

— Мазкур нуфузли беллашув 1999 йилдан бери ҳар йили ўтказиб келинади, — дейди Ўзбекистон жамоаси раҳбари, физика-математика фанлари номзоди Шухрат Исмоилов. — Кейинги йилларда ўзбекистонлик ёш математикларнинг жаҳон миқёсида эришган ютуқлари Халқаро математика мусобақаси — КИМС 2014 ташкилий қўмитасининг ҳам эътиборидан четда қолмади. Улар жамоамизни танловда қатнашиш учун илк бор расман тақ-

лиф этди. Шундан сўнг Халқ таълими вазирлиги томонидан «Билимлар беллашуви» мусобақасининг вилоят босқичи қолиблари ўртасида икки турдан иборат махсус танлов ўтказилди ва улар орасидан ўн тўрт ёшдан юқори бўлган энг иқтидорли ўқувчилар сараланиб олинди.

Бу натижаларга ўз ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Бу нафақат ноёб истеъдод, балки машаққатли меҳнат ҳамда кучли тайёргарлик меваси, ёшларимиз пухта би-

лим олиш учун яратилган шароитлар самарасидир. Терма жамоа билан бир ойдан кўпроқ вақт мобайнида юртимиздаги энг етакчи математик олимлар иштирокида махсус машғулотлар ўтказилди. Жамоа аъзоларига мураккаб алгебра, геометрия, сонлар назарияси, математик мантик, комбинаторика ҳамда тўпламлар назариясига оид масалаларни яқка тартибда ва жамоа бўлиб ечишни энг илғор усуллари ўргатилди.

— Математика фанига бошланғич синф ўқувчимиз Муҳаммад Шерназарова катта қизиқиш уйғотган, — дейди халқаро мусобақанинг кумуш медали соҳиби, Бувайда тумани 2-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати 7-синф ўқувчиси Жасур Имомов. — Бу мусобақа мен учун жуда омалди келди. Чунки ҳам жамоа таркибда, ҳам яққалик беллашувларда кумуш медалларни кўлга киритдим. Бундан ташқари, бошқа давлатлардан кўп қисмат дўстлар орттирдим. Масалан, Канададан келган тенгдошларимиз билан бирга математик машқлар бажардик, мантикий ўйинлар ўйнадик. Тақдирлаш маросимида номимни айтиб чақиринганда, саҳнага Ватанимиз байроғини олиб чиқдим. Навбатдаги мусобақада юртимизга олтин медал билан қайтмоқчиман.

— Бу мусобақада ўзим учун кўп нарсани олдим, — дейди танловнинг махсус сертификати соҳиби, Олот тумани 31-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати 8-синф ўқувчиси Даврбек Олтибоев. — Энг аввало, чет тили ва компьютер технологияларини янада пухта ўрганиш кераклигини англадим. Бундай танловларда осон мисоллардан эҳтиёт бўлиш керак экан. Менга берилган 10 та масаладан 8 тасини тўғри ечдим. Аммо қийин қўрилмаган иккита мисолда ян-

лишдим. Шундай бўлсада, топширилган жуда сифатли ва ўзига хос усулда ечганим учун мени махсус сертификат билан тақдирлашди. Уни топширилган ҳакам 600 нафарга яқин ёшлар орасида шу йўналишда қўйилган энг юқори балл менга тегишли эканини айтди...

— Бизни Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси вакиллари кутиб олишди, барча масалаларда ёрдам беришди, — дейди Шухрат Исмоилов. — Шунинг учун ҳеч қандай муаммога дуч келмадик. Давлат даражасида бундай эътибор мусобақа ташкилотчиларининг ҳам ҳавасини келтирди. Шунда ўзим ўқиган даврлар ёдимга тушиб кетди. Биз халқаро олимпиада ёки мусобақа нима эканини ҳатто тасаввур ҳам қилолмадик. Тўғри, шундай танловлар ўтказилишини билардик, аммо унда иштирок этишни фақат орзу қилиш мумкин эди. У пайтларда ўқувчилар билими ва салоҳиятига қараб эмас, балки сиёсат нуқтаи назардан танлаб олинарди. Ўзбек ёшларини халқаро мусобақаларга олиб бориш муносиб ҳам кўрилмасди. Фақат Истиқлол туфайли халқимизнинг истеъдодли фарзандлари, ёш иқтидор эгалари жаҳон минбарларида ўз сўзини айтиб билади.

Президентимиз «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига қилиб берилган ҳақиқат ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқда ёшларга қарата биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, гурурланишимиз керак, айни вақтда фақат гурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз кўшимизни қўшайлик, деб таъкидлаган эди.

Мана шу давлаткор сўз ёш истеъдод эгаларини янги-янги чўққиларни забт этишга ундамоқда.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Она ватан манзаралари



Кўркам ва муҳташам уй-жойлар

энг улуг, энг азиз байрам арафасида ўз эгаларига топширилади

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Аҳолининг турмуш даражаси нафақат даромад манбаи, балки уй-жойи, яшаш шариоити билан ҳам белгиланади. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда муҳандислик, транспорт ва ижтимоий инфратузилмага эга кўпжа янги турар-жойлар барпо этилмоқда.

Сурхондарё вилояти Денов туманида ўтган йили наъмунавий лойиҳа асосида бунёд этилган 145 та уй ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилда «Пастқизилжар» маҳалласида 130 та ҳовли тўйларни ўтказилди. — Маҳаллада 800 га яқин хўжалик, 3 минг 540 нафарга яқин аҳоли бор, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Хидиров. — Худудда 50 дан ортиқ турли маданий-маиший хизмат савдо нукталари, кўркам гузарлар бунёд этилди. Янги қилиб врачлик пункти хизматидан халқимиз миннатдор. Юқоридаги ўзгаришлар аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. — Бундай дорилмомон кун-

РЕКЛАМА

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилоят ҳоқимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси 2014 йил Манзилли дастурга киритилган қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Жиззах вилояти, Зомин тумани, Зомин шаҳридаги «Маданият ва аҳоли дам олиш маркази биноси» қурилиши

Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСиз 1423,213 млн. сўм, ҚҚС билан 1707,855 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2015 йил 25 майгача.

Молиялаштириш вилоят маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шох кўчаси, 100-уй.

Телефон: (8372) 222-46-40, 222-26-41.

2014 йил 1 июлдан бошлаб бошқа молиялаштириш манбалари ҳисобига молиялаштирилмаган объектлар бўйича танлов савдоларида қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар иштирок этишлари тавсия этилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси предметининг 20% миқдоридан айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратлар учун қуйидаги нарх **преференциялари** кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озоод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдоси ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 150000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилганидан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шох кўчаси, 100-уй (буюртмачи хизмати) инжиниринг компанияси биноси), мажлислар зали.

Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО	2-3.08 — 2014
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+15 / +20	+31 / +36
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+17 / +22	+32 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	
+19 / +24	+33 / +38
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+34 / +36
Дунё бўйлаб (°C)	
Лондон	+25 / +25
Париж	+25 / +25
Москва	+33 / +29
Мадрид	+27 / +28
Пекин	+34 / +36
Канберра	+11 / +13
Рим	+28 / +29
Афина	+32 / +34
Токио	+34 / +33
Стокгольм	+27 / +29
Кейптаун	+17 / +17
Қоҳира	+36 / +33
Гавана	+31 / +30
Вашингтон	+25 / +27

MUASSIS:

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonа — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonа manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5